

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУЗАПОВА УЛБОСИН РАХАТОВНА**

**ТЕРИ ЭКЗЕМА КАСАЛЛИГИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ АСПЕКТИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Музапова Улбосин Рахатовна**

Тери экзема касаллигининг молекуляр-биологик ва иммунологик  
ташхислаш ва даволаш аспекти.....3

**Музапова Улбосин Рахатовна**

Молекулярно-биологический и иммунологический диагностики  
и лечения экземы кожи.....25

**Muzapova Ulbosin Rakhatovna**

Molecular biological, immunological diagnosis  
and treatment of eczema of the skin.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУЗАПОВА УЛБОСИН РАХАТОВНА**

**ТЕРИ ЭКЗЕМА КАСАЛЛИГИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ АСПЕКТИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2750 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.dermatology.uz](http://www.dermatology.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташкенбаева Умида Алишеровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пакирдинов Адхамжон Бегишевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Файзуллаева Нигора Яхяевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 04/28.02.2023.Tib.158.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (+99878) 147-02-06; e-mail: [niidiv@mail.ru](mailto:niidiv@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (+99878) 147-02-06

Диссертация автореферати 2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**У.Ю.Сабилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.Б.Муллаханов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**С.С.Арифов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аллергодерматоз билан касалланиш сўнги 10 йил ичида сезиларли даражада ошиши натижасида, аксарият қисмини экзема билан хасталанган беморлар ҳисобланади. Ушбу касаллик иккала жинс вакиллари ва турли ёш гуруҳлари орасида учрашиб, барча дерматологик патологиянинг 30-40 фоизини ташкил қилади. Экзема билан касалланган беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги умумий дерматозлар бўйича ишга лаёқатизликнинг 36 фоизини ташкил қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ота - оналардан бирининг (асосан онанинг) аллергик касаллик билан касалланган бўлса, болада экзема билан касалланиш эҳтимоли тахминан 40%ни, иккала ота-онада ҳам касалланиш кузатилганда эса, 50-60%ни ташкил қилади...»<sup>1</sup>.

Жаҳон миқёсида касалликнинг оғирлик даражасига асосан беморнинг аҳволини комплекс баҳолаш чораларини ва экземани даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш, шунингдек даволаш самарадорлигини баҳолаш учун иммун ҳолати кўрсаткичларининг бузилиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур патологияда иммун тизимининг шикастланишига асос бўлган патогенетик механизмлар, экземанинг патогенезида хужайра ва гуморал иммунитетнинг роли ва унинг патологик жараённинг оғирлик даражасига қараб ички аъзолар билан алоқалари ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган<sup>2</sup>. Шунинг таъкидлаш керакки, экземада самарали ташхислаш ва даволашни ишлаб чиқишда периферик қон таркибини, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш лозим. Бундан ташқари, иммун бузилишининг даражасини аниқлаш ва ушбу касалланишнинг патогенезида яллиғланишга қарши цитокинлар ва иммуноглобулинларнинг ролини ўрганиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, шу жумладан ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, улардан, аллергодерматозларни комплекс даволашни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ... «ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шу жумладан, телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш, касаллик регистрини яратиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва амалиётга жорий этиш ...»<sup>4</sup> устувор вазифалар сифатида белгиланган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, молекуляр-биологик ва иммунологик тадқиқотлар натижалари асосида экземанинг комплекс терапиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death>

<sup>2</sup> Мавлянова Ш. З., Муллаханов Ж. Б., Исмагилов А. И. Современные методы диагностики аллергических заболеваний кожи // *Juvenis scientia*. – 2020. – Т. 6. – №. 3. – С. 28-34.

<sup>3</sup> Арифов С. С. Киник дерматология ва венерология / Тошкент 2008.345-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги Қарори, 2022-йил 29-январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонларида, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 июлдаги 563-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон хорижий олимлари ўтказган тадқиқотларига кўра, экзема касалигининг келиб чиқиш сабаблари, иммун ҳолатларнинг ўрни касалликни самарали даволаш усуллари кенг муҳокама қилинмоқда (Kiiski V., Salava A., 2022; Susitaival P., 2021; Barnhill S., 2022). Сўнгги пайтларда касалликнинг янги авжланиш ҳолатларини олдини олиш учун паст фаол стероидлар ёки маҳаллий калциневрин ингибиторларини мунтазам равишда қўллаш орқали превентив терапияга кўпроқ эътибор қаратилмоқда (Chong M., Fonacier L., 2016). Бундан ташқари, патологик жараёни назорат қилиш учун турли хил мақсадли биологик препаратлар қўлланилмоқда (Sawangjit R., Dilokthornsakul P., Lloyd-Lavery, Lai N.M., Dellavalle R., 2021). Атопик экземада турли хил фенотипларининг асосий иммун профиллари ҳақида тушунчаларнинг ортиши, қимматли терапевтик ва иммунотерапевтик дориларни янада ўрганишга имкон берди (Thyssen J.P., Schuttelaar M.L.A., Alfonso J.H., 2022).

МДХ давлатларида маҳаллий ва хорижий олимлари томонидан сўнгги йилларда сурункали дерматозлар ривожланишининг патогенетик механизмларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда (Соколова Т.В., Малярчук А.П., 2019; Сафонова Л.А. ва бошқалар 2022). Замонавий тушунчаларга кўра, Т-лимфоцитлар экземанинг ривожланишида асосий рол ўйнаши, хужайраларнинг ташқи юзасида антигенга хос рецепторларга эга ва бир қатор яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқаради (Юсупова Л. А., 2020, Владимирова В. В., Зудин Б. И. ва бошқалар, 2022). Соғлиқни сақлашнинг замонавий концепцияси шуни кўрсатадики, молекуляр-биологик, иммунологик таххислаш ва индивидуал ёндашув хавф омилларини эрта аниқлашни прогнозлаш ва профилактикасига асосланади, шунингдек экземанинг ремиссия даврини узайтиради (Тлиш М.М., 2019; Кузнецова Т.Г., 2021; Наатижов Ж.Ю.

ва ҳаммуаллифлар, 2019). Дори воситаларининг самарадорлиги ва салбий хоссалари уларнинг фармакокинетика ва фармакодинамиканинг индивидуал хусусиятларининг натижасида юзага келадиган беморлардаги иммун ва цитокин ҳолатларига таъсир қилади (Заславский Д.В, 2022, Туленкова Ю.С, 2021, Монахов Н.К ва ҳаммуаллифлар, 2022).

Ўзбекистон олимлари томонидан аллергодерматозларда ирсий мойилликнинг ўрни ва ички аъзолардаги мураккаб ўзгаришларнинг натижаси деб баҳоладилар (Арифов С.С., 2008). Экземада терапевтик чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда иммун ҳолатининг роли ўрганилган (Садиков А. А., 2013). Шунингдек, кўплаб илмий ишларда экземанинг патогенезида эндоген интоксикациянинг аҳамияти, аллергодерматозларнинг турли хил клиник кечишида клиник-микробиологик асосларини ишлаб чиқиш билан иммунитетнинг ўзаро таъсирини тартибга солувчи цитокинларни ишлаб чиқаришнинг аҳамияти, касаллик патогенезида зардоб иммуноглобулинлари ва Т-лимфоцитлар синфининг алоҳида субпопуляциялари учун ташхислаш мезонларини асослаш, шунингдек аллергодерматозларда ген полиморфизми ва фермент биотрансформациясини оптималлаштириш усуллари ўз исботини топган (Абдурашидов А.А., 2015; Мавлянова Ш.З., 2020). Сўнгги олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, аллергодерматозлар, шу жумладан экземанинг патогенезида беморларда С-реактив оксил концентрациясини ўрганишларининг аҳамияти, уларнинг ривожланишидаги филаггрин генининг роли ва мазкур дерматознинг клиник кечиши ўрганилди ва олинган натижалар асосида терапевтик усуллар такомиллаштирилди (Муллаханов Ж.Б., 2019; Пакирдинов А.Б., 2019).

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, экземани ўрганиш катта эътибор берилиш кераклиги, ташхислаш ва даволашга оид масалалар мунозарали ва долзарбдир. Лекин, адабиётларда даволашнинг кенг қамровли усуллари ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган молекуляр-биологик ва иммунологик тадқиқотлар натижалар масаласи этарли даражада ёритилмаган. Шундай қилиб, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш патогенез механизмларини чуқур тушунишга ва билимларни кенгайтиришга ёрдам беради ва касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш технологиясини яратишда замонавий юқори технологияли усуллари ишлаб чиқишга ёрдам беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси "Дерматовенерология ва косметология" илмий-тадқиқот бўлимининг иш режасига киритилган бўлиб, Республикада олиб борилаётган устувор илмий изланишларга мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молекуляр-биологик ва иммунологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тери экземасининг комплекс терапиясини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

EASI, HESCI, DLQI индекслари ёрдамида экземаинг учрашиш частотаси ва клиник кечишини ўрганиш;

тери экземаси бўлган беморларда хужайра ва гуморал иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини, шунингдек цитокин ҳолати тўғрисидаги маълумотларни баҳолаш;

экзема билан хасталанган беморларда комбинацияланган ва стандарт даволаниш жараёнида молекуляр-биологик ва иммунологик тадқиқотлар маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш;

тизимли поли функционал дори препарати ва томир ичига лазер билан нурланиши (ТИЛБН) ёрдамида комплекс турдаги терапиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти ҳудудий филиалида даволанган тери экземаси билан касалланган 105 нафар бемор олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида молекуляр-биологик, иммунологик тадқиқотлар учун беморлардан қон, қон зардобидан материаллар олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида умумклиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тери экземасида яллиғланиш индукциясининг ортиши ва иммунорегуляцион балансининг ўзгариши CD4<sup>+</sup>лимфоцитларнинг 1,35 марта, CD8<sup>+</sup> Т-эффекторларнинг 1,46 марта, CD25<sup>+</sup> кўрсаткичлар сонининг 5,77 баробар кўпайиши натижасида, CD95<sup>+</sup> депрессияси фонида эса, қон зардоби иммуноглобулинлар синфининг даражасининг IgA 4,57 марта, IgG 2,13 марта, АИК 31,6 баробар ошиши ва яллиғланишга оид цитокинлар ИФН-γ 2,2 марта; ИЛ-6, 2 марта ва яллиғланишга қарши цитокинлар ИЛ-4, 2,4 марта ортиши исботланган;

экземада стандарт терапия иммун яллиғланишининг ўткирлигига таъсир қилиши натижасида, Т-эффекторларнинг (CD8<sup>+</sup>) камайишига, CD25<sup>+</sup> лимфоцитларнинг пасайишига ва апоптозга тайёр хужайралар (CD95<sup>+</sup>) даражасининг ошишига олиб келади ва қон зардоби иммуноглобулинлар синфининг IgM, IgG ва IgA даражасининг пасайиши, иммун бузилишларини тўлиқ тиклашни таъминламасдан, иммунорегуляцион цитокинлар ИФН-γ, ИЛ-6 ва ИЛ-4 қайта тақсимлаш нисбатини таъсир қилиши исботланган;

тери экземасида таклиф қилинган схема «Стронгер Нео-Минофаген С» ТИЛБН билан комплекс даволашда мазкур дерматознинг асосий патогенетик бўғинига таъсир қилиб, CD8<sup>+</sup> хужайралари сонини меъёрлаштиради, CD25<sup>+</sup> лимфоцитлар даражасини 1,73 марта пасайиши ва CD95<sup>+</sup> лимфоцитлар даражасининг 0,85 баробар кўпайиши, шунингдек қон зардобидаги асосий иммуноглобулинлар синфининг IgM 1,25 баробар, IgG 2,21 баробар ва IgA 2,66 баробар кўрсаткичларининг пасайиши ҳамда яллиғланишга оид (ИФН-γ 4,05 марта; ИЛ-6, 5,19 марта) ва яллиғланишга қарши цитокинлар ИЛ-4 эса 6,15

баробар пасайиши исботланган;

тери экземаси билан хасталанган беморларни «Стронгер Нео-Минофаген С» ТИЛБН билан комбинацияланган кўринишда даволаш даво самарадорлигини (EASI 74,3%, HESCI 57,6%, DLQI 69,2%) 6 дан 24 ҳафтагача симптомларнинг турғун ремиссияси фониди, стандарт терапияга нисбатан EASI 52,3%, HESCI 52,1%, DLQI 45,8%) бир неча ҳафтагача ремиссия давомийлиги кузатилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экзема касаллигининг оғирлик даражасини баҳолашда EASI, HESCI, DLQI индекслари билан баҳолаш амалиётда энг қулай ва самарадор баҳолаш индекслари эканлиги асосланган;

тадқиқот ишимизда ёш беморлар сони (95%) устун бўлганлиги тасдиқланган;

тери экземасидаги патологик ўзгаришларни ушлаб туришда иммун бузилишларининг патогенетик роли билан асосланган;

тери экземасининг ўртача ва оғир кечиши кузатилган беморларда стандарт терапия фониди «Стронгер Нео-Минофаген С» эритмаси ва ТИЛБН билан биргаликда қўллаш комплекс даволашнинг юқори терапевтик самарадорлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий услуб ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг адабиёт маълумотларига мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий мослиги, беморлар сонининг етарлиги, тадқиқотда қўлланиладиган замонавий умумий клиник, молекуляр-биологик, биохимёвий, иммунологик ва статистик усуллар, олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, олинган хулоса ҳамда натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экзема касаллигининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий патогенетик омиллар роли очиб берилганлиги, экзема касаллигини оғирлик даражасини баҳолашда EASI, HESCI, DLQI индекслари ўртасидаги боғлиқликлар аниқланганлиги, молекуляр-биологик ва иммунологик тадқиқотлар асосида ҳужайравий ва гуморал иммун ҳолатларини ифодаловчи кўрсаткичлар ва оқибатларини башоратлашда иммун ҳолати ва яллиғланишга оид ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар таъсири белгиланганлиги асосида экзема касаллигини ташхислаш ва даволаш усуллариининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тери экземаси билан касалланган беморларнинг ўртача ва оғир кечишида комплекс даволашни соғлиқни сақлаш тизими амалиётига жорий этишдан иборат бўлиб, тадқиқотимиз натижалари кўра, ушбу гуруҳ яъни кўшимча иммуномодуляцион терапия буюрилган беморларни иммунологик мониторинг қилиш зарурияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тери экземасининг молекуляр-биологик ва иммунологик ташхислаш натижаларига кўра, комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* Тери экземасида яллиғланиш индукциясининг ортиши (CD4<sup>+</sup>, CD8<sup>+</sup>, CD25<sup>+</sup>) ва иммунорегуляцион балансининг ўзгариши (CD95<sup>+</sup>) фонида эса, қон зардоби иммуноглобулинлар синфининг даражалари шунингдек, яллиғланишга оид ва қарши цитокинлар ортиши исботланганлиги бўйича олинган илмий изланишлар натижалари Соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиалида 2023 йил 30 ноябрдаги №45 буйруғи, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти ҳудудий филиалида 2023 йил 01 декабрдаги №54 буйруғи ва 2023 йил 01 декабрдаги буйруғи №57 Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалида амалиётига татбиқ этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** таклиф этилган комплекс турдаги даволаш усули ёрдамида касалликни ўрганиш натижаларига асосланиб иммун, психоэмоционал, дерматологик ҳолатларни барқарорлаштиради, турғун ремиссияга ўтишни таъминлайди, тери регенерациясини яхшилади, жароҳатнинг битиш жараёни муддатини қисқартиради, касалликнинг қайталанишини камайтиради ва даволаш самарадорлиги оширади. **Иқтисодий самарадорлиги:** экзема касаллигида таклиф этилган янги, комплекс даво усули даволаш самарадорлигини 62,7%га оширди ва харажатларни 4,3 баробарга камайтирди (РИДВваКИАТМ Тошкент вилояти филиали прејскурантига кўра шифохонада 1 кун ётиб даволаниш 152 минг сўмни ташкил қилади). Шифохонада ётиб даволаниш жараёнига сарф қилинадиган маблағлар қисқариши орқали 37.116.279 сўм ҳамда тадбиқ кўламига нисбатан эса (n=105) 159.600.000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* Экземада стандарт терапия иммун яллиғланишнинг ўткирлигига таъсир қилади, иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғинини, шунингдек, иммун бузилишларини тўлиқ тиклашни таъминламасдан, иммунорегуляцион цитокинларнинг қайта тақсимлаш нисбатини таъсир қилиши исботланганлиги бўйича олинган илмий изланишлар натижалари Соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиалида 2023 йил 30 ноябрдаги №45 буйруғи, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти ҳудудий филиалида 2023 йил 01 декабрдаги №54 буйруғи ва 2023 йил 01 декабрдаги буйруғи №57 Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалида амалиётига татбиқ этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** янги комплекс даволаш усули стандарт даволаш усули билан таққослаганда самарали бўлиб, беморларнинг иммун ҳолатини тўлиқ барқарорлаштириш билан тавсифланади, касалликнинг қайталаниши сонининг камайтиради ва турғун узок муддатли ремиссия билан

тавсифланади. **Иқтисодий самарадорлиги:** экзема билан хасталанган беморларни даволашда ишлаб чиқилган комплекс терапия самарадорлигини кўрсатди, шу натижасида беморнинг касалхонада қолиш муддати 10 кундан 7 кунгача қисқарди ва бу 26.904.000 сўмни тежаш имконини берди (РИДВваКИАТМ Тошкент вилояти филиали прејскурантига кўра шифохонада 1 кун ётиб даволаниш 152 минг сўмни ташкил қилади), 59 нафар бемор учун жамғарма 89.680.000 сўмни ташкил қилади;

*учинчи илмий янгилик:* тери экземасида таклиф қилинган схема «Стронгер Нео-Минофаген С» ТИЛБН билан комплекс даволашда мазкур дерматознинг асосий патогенетик бўғинига таъсир қилиши натижасида Т- ва В-лимфоцитлари кўрсаткичларини меъёрлаштиради ҳамда яллиғланишга оид ва қарши цитокинлар даражаларининг пасайиши исботланганлиги бўйича олинган илмий изланишлар натижалари Соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиалида 2023 йил 30 ноябрдаги №45 буйруғи, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти ҳудудий филиалида 2023 йил 01 декабрдаги №54 буйруғи ва 2023 йил 01 декабрдаги буйруғи №57 Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалида амалиётига татбиқ этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** клиник тадқиқотлар натижаларига кўра томир ичини лазер билан нурлантириш (ТИЛБН) ва «Стронгер Нео-Минофаген С» эритмаси билан самарали комплекс даволаш усули зарарланган ўчоқларда экзематоз жараёни сезиларли даражада сўрилиши, ремиссия даврининг барқарорлаштиришга, даволаш кунини қисқариши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиш имконини берган. **Иқтисодий самарадорлиги:** экзема билан хасталанган беморларда комплекс даволаш усулини қўллаш даво муддатларини қисқариши, стационарда даволаш жараёнига сарф қилинадиган харажатларни ўртача 50 нафар беморга бир йилда 2 марта касалликнинг қайталанишини ҳисобга олганда 110.000.000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* тери экземаси билан хасталанган беморларни «Стронгер Нео-Минофаген С» эритмаси ва ТИЛБН билан комплекс даволаш усули стандарт даволанишга нисбатан касалликни аниқлайдиган индекслар сонини камайишига ва турғун ремиссия давомийлиги кузатилиши исботланганлиги бўйича олинган илмий изланишлар натижалари Соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиалида 2023 йил 30 ноябрдаги №45 буйруғи, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти ҳудудий филиалида 2023 йил 01 декабрдаги №54 буйруғи ва 2023 йил 01 декабрдаги буйруғи №57 Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалида амалиётига татбиқ этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган комплекс даволаш усули экзема билан оғриган беморларда тери патологик жараёнининг тез регрессиясига ёрдам берди, турғун ремиссияни кузатилиши «Стронгер Нео-Минофаген С» эритмаси

ва ТИЛБН билан даволаш усулининг тўғри танланганлигидан далолат берган. **Иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган комплекс даво усули беморларнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 10 кундан 7 кунга қисқартирилиш имконини берган. Натижада даволаниш учун пуллик харажатларни 1,5 баробарга камайган ва 1.520.000 сўмни ташкил қилиб, ўрин куни 456 000 сўмни ташкил қилди ҳамда тадқиқ кўламига нисбатан эса (n=105) 47.880.000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусида 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 8 та журнал мақолалари: докторлик диссертацияларининг (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий журналларда чоп этилган, улардан: 6 таси республикада ва 2 таси хорижий (1 та Scopus) журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги тавсифлаб берилади. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, натижаларнинг ишончлилиги тасдиқланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқот натижаларининг бажарилиши рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тери экземасининг замонавий талқини (Адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобининг «Тери экземасининг этиологияси ва эпидемиологияси ҳақидаги замонавий тушунчалар» номли биринчи кичик бобида тери экземасининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези бўйича замонавий маълумотлар батафсил ва объектив акс эттирилган. Адабиётлар шарҳининг «Тери экземасининг клинко-иммунологик хусусиятлари» номли иккинчи кичик бобида экзема билан хасталанган беморларда иммун жавобларидаги ўзгаришлар маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг фикрлари, шунингдек, касалликнинг сурункали кечишида Т-лимфоцитларнинг айрим фенотиплари ва цитокинларнинг аҳамияти ва уларнинг ички аъзолар фаолияти билан боғлиқлиги батафсил баён этилган. «Тери экземасини даволашнинг замонавий усуллари» номли учинчи кичик бобида экземанинг замонавий даволаш усуллари оид материаллар келтирилган.

Илмий ишнинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» номли иккинчи бобида клиник маълумотлар ва тадқиқот усуллари батафсил баён қилинган.

Тадқиқотни 2021 йилдан 2023 йил декабригача РИДваКИАТМ Тошкент вилояти ҳудудий филиалининг тери бўлимида экзема билан хасталанган 18 дан 71 ёшгача бўлган 105 нафар беморда ўтказдик. Эркаклар 28,6% ва аёллар 71,4% ни ташкил қилди. Беморларнинг аксарияти (86,7%) 18 дан 44 ёшгача бўлган ва улар орасида Зангиота (15,2%) ва Бўка (11,4%) туманларида истиқомат қилувчилар сони устунлик қилган.

Экземанинг касаллик давомийлиги бўйича беморларда тақсимланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, касаллик давомийлиги икки йилдан уч йилгача бўлган беморларда 40% (42 киши), уч йилдан беш йилгача – 17,1% (18 киши), беш йилдан етти йилгача-17,1% (18 киши), етти йилдан ўн йилгача-19% (20 киши) ва 10 ёшдан ортиқ – 6,7% (7 киши)ни ташкил қилган.

Барча беморлар олиб борилган даво усулига қараб, 2 гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳ – комплекс даво билан 59 бемор (56,2%), таққослаш гуруҳи – стандарт даво билан 46 бемор (43,8%) даволанган.

Тери экземаси ташхисини қўйиш учун анамнез йиғиш, клиник кўриниши, лаборатор текширувлари, аъзоларнинг ультратовуш текшируви ва махсус ташхислаш усуллари асосида тасдиқланган.

Қон зардобидаги филаггрин (FLG) даражасини аниқлашда Elisa Kit for Filaggrin (CloudCloneCorp., АКШ) тест тизимларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент усули билан амалга оширилди. Усул уч босқичли “сендвич”га асосланган бўлиб, бу усул ўрганилаётган намуналарни антитаналар билан боғлаш, биотинланган антитаналар билан инкубация қилиш ва Ерқалампир пероксидазаси (HRP) билан нишонланган стрептавидин ёрдамида аниқлашни ўз ичига олади. Оптик зичлиги 450 нм±10 нм да ўлчанди, концентрация калибрлаш эгри чизиги билан аниқланди. Таҳлилнинг сезгирлиги <0,115 нг / мл.

Беморларнинг иммун ҳолатини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Репродуктив иммунология лабораториясида ўтказилди. Цитокинлар даражасини аниқлаш (IL-6, IL-4, IFN-γ) «Вектор-Бест» ва «Цитокин» (Россия) тест тизимларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали ИФА усули билан амалга оширилди. Усул керакли цитокинни антитаналар билан боғлаш, биотинланган антитаналар билан инкубация қилиш ва HRP билан нишонланган стрептавидин ёрдамида аниқлашни ўз ичига олган. Оптик зичлик 450 нмда ўлчанди, концентрация калибрлаш эгри чизиги бўйича ҳисоблаб чиқилди. Таҳлилнинг сезгирлиги 0,5 дан 15 пг/мл гача.

Қон зардобидаги иммуноглобулинларни (IgA, IgG, IgM) аниқлаш «Вектор-Бест» (Россия) тест тизимларидан фойдаланган ҳолда ИФА усули билан амалга оширилди. Усул антитаналарни иммобилизатсияланган моноклонал антитаналар билан боғлаш, антитаналар конъюгат билан инкубация қилиш ва кейинчалик хромоген билан ферментатив жараённи ўз ичига олган. Оптик зичлик 450 нмда ўлчанди.

Лимфоцитлар субпопуляциясини баҳолашда моноклонал антитаналарнинг LT серияси ёрдамида розет ҳосил қилиш усули («Сорбент»,

Россия) билан амалга оширилди. CD4+, CD8+, CD25+, CD95+маркерлари аниқланди.

Беморларнинг аҳволини баҳолаш учун умумий қон текшируви, сийдикнинг умумий таҳлили, биокимёвий қон текшируви ва айланма иммун комплексларини (АИК) аниқлаш РИДваКИАТМ Тошкент вилояти ҳудудий филиали лаборатория бўлимида ўтказилди. АИКни аниқлаш полиэтилен гликол эритмасининг ёруғлик тарқалишини ўзгартириш ва кейинчалик спектрофотометрда ўлчаш орқали амалга оширилди.

Асосий гуруҳдаги беморлар қўшимча равишда АЛТ «МУЛАТ» аппарати ёрдамида томир ичига лазер билан нурланишидан (ТИЛБН) ўтдилар. Таъсир қизил нурланиш (0,63 мкм, 2 МВт) билан 20-30 дақиқа давомида 8-12 процедура курси ҳафтасига 3-4 марта амалга оширилди. Даволаш самарадорлигини баҳолаш 6-7, 12-13 ва 18-19 кунларда, шунингдек 3, 6 ва 12 ой ичида амалга оширилди.

Маълумотлар базаси Microsoft Excelда шаклланган, SPSS v23 (StatSoft Inc., АҚШ) статистик ишлов берилди. Ўртача (M) ва стандарт оғиш (s), маълумотлар тақсимотини баҳолаш учун Шапиро-Уилк мезонлари, доимий ўзгарувчиларнинг фарқларини таҳлил қилиш учун Манн-Уитни мезонлари, аниқ маълумотлар учун Фишер ва Пирсоннинг хи-квадратининг аниқ мезонлари, Пирсоннинг корреляцион таҳлиллари ишлатилган. Статистик аҳамияти  $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$  ва  $p < 0,001$  даражаларида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқот натижалари**» номли учинчи боби учта кичик бобдан иборат. «Тери экземасининг клиник кечишининг хусусиятлари» номли биринчи кичик бобида касалликнинг клиник кўриниши, зарарланган ҳудудларнинг маҳаллий тарқалиши (қўл экземаси бундан мустасно эмас), ремиссия даврининг давомийлиги, шунингдек экземанинг оғирлик даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган индекслар (EASI, HESCI ва DLQI) келтирилган.

Касалликнинг клиник кўринишини таҳлил қилиш натижаларига кўра, чин экзема 94,3% (99 киши) ва себорейли экзема 5,7% (6 киши)да учраган. Ремиссия даврининг давомийлигини статистик таҳлил натижалари келтирилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Беморларнинг ремиссия даври бўйича тақсимланиши

Ремиссия давомийлиги	Беморлар ҳажми (%)
1 ойгача	19 (18,1)
1 ойдан 3 ойгача	33 (31,4)
3 ойдан 6 ойгача	43 (40,9)
Ремиссия кузатилмади	10 (9,5)

Экзематоз ўчоқларнинг зарарланиши ва жойлашишини аниқлаш мақсадида, экзематоз жараённинг оғирлик даражасини EASI, HESCI ва DLQI индекслари ёрдамида таснифланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

## EASI индексининг кўрсаткичлари, даволашдан олдин (n=105)

	Ўртача	Оғир	Умумий
Асосий гуруҳ n=59	45 (76,3%) 18,63±0,14	14 (23,7%) 48,81±0,18	59 (100%) 25,79±1,69
Таққослош гуруҳи n=46	36 (78,3%) 15,87±0,41	10 (21,7%) 48,6±0,51	46 (100%) 22,98±2,04

Кўл экземаси 88 нафар (83,4%) беморларда зарарланганлигини ҳисобга олган ҳолда, кўл соҳасининг зарарланиши ҳисоблашда кўл экземаси индексини фойдаланиш тавсия этилади. Тадқиқотимизда биз, HECSI индекси ва беморнинг ҳаёт сифати дерматологик индексини DLQI кўлладик (3-жадвал).

## 3-жадвал

## HECSI ва DLQI индексларининг кўрсаткичлари, даволашдан олдин

	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		P
	Ўртача қиймат (M)	Стандарт оғиш (s)	Ўртача қиймат (M)	Стандарт оғиш (s)	
HECSI	54,9	33,28	56,3	33,11	0,621
DLQI	20,33	4,91	21,99	5,98	0,427

Изоҳ: таққослаш гуруҳига нисбатан маълумотларнинг ишончилиги. \* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ ; \*\*\* -  $p < 0,001$

«Тери экземаси билан хасталанган беморларнинг лаборатор текшириш усуллари натижалари» номли иккинчи кичик бобида умумий қон таҳлили, биокимёвий қон таҳлиллари яъни стандарт асосида ўтказилиши керак бўлган таҳлилларини ўрганишга бағишланган.

Эозинофиллар даражаси даволанишдан олдин иккала гуруҳларда ҳам назорат гуруҳига қараганда юқори даражаларни кўрсатди ва  $7,52 \pm 0,19$  дан  $1,27 \pm 0,12$  гача ( $p < 0,01$ ) ташкил қилди. Иккала гуруҳлардаги бошқа гематологик ва биокимёвий қон таҳлиллари шуни кўрсатдики, кўрсаткичларнинг ўртача қиймати меъёр чегарасида ўзгаришсиз қолган ( $p < 0,05$ ).

«Тери экземаси билан хасталанган беморларнинг молекуляр-биологик, иммунологик усуллар натижалари» учинчи кичик боби иммунитет тизими ҳолати ва цитокин ҳолатини ўрганиш натижалари, шунингдек, экзема беморларда адаптив иммунитет ҳолатини хужайралари асосида Т-лимфоцитлар умумий популяциясининг сонининг асосий субпопуляцияларнинг фаоллашув белгилари ( $CD4^+$ ,  $CD8^+$ ), шунингдек эрта ( $CD25^+$ ) ва кеч ( $CD95^+$ ) маркерларининг функционал мезонларини ўрганиш келтирилган.

Экзема - кенг тарқалган яллиғланишли дерматозлардан бири бўлиб, эпидермал тўсиқ ва иммунитетни тартибга солишни бошқаришнинг дисфункцияси натижасида юзага келади. Экзема патогенезида филаггрин (FLG)–яни кератинизация жараёнига, терини намлаш ва рНни сақлашда иштирок этадиган таркибий оқсил муҳим ролни ўйнайди. Филаггрин кератин филаментларини бирлаштириб, тери шох қатламининг шаклланишига ёрдам

беради. Деградация жараёнида унинг маҳсулотлари табиий намловчи омилнинг бир қисмидир ва микробларга қарши химояни таъминлайди. FLG ифодасининг бузилиши терининг ўтказувчанлиги, намликнинг йўқолиши ва яллиғланиш билан боғлиқ бўлади.

Тадқиқотда даволашдан олдин экзема билан хасталанган беморларнинг зардобдаги FLG даражаси асосий гуруҳда  $8,57 \pm 1,85$  нг/мл, таққослаш гуруҳида  $9,91 \pm 1,49$  нг/мл ва назорат гуруҳида  $11,32 \pm 0,84$  нг/мл ни ташкил этди. Асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эди ( $p > 0,05$ ), аммо назорат гуруҳига нисбатан FLG даражасининг пасайиши унинг экзема патогенезидаги ролини тасдиқлайди.

Филаггрин нафақат терининг тўсиқ функциясида, балки иммунитетни тартибга солишда ҳам иштирок этади. Унинг пасайиши яллиғланишни кучайтириши, иммунитет хужайраларини фаоллаштириши ва цитокин профилини ўзгартириши мумкин. Экземада иммунитет жараёнларида номуносивлик мавжуд, жумладан  $CD4^+$  Т-лимфоцитларининг ҳаддан ташқари фаоллиги ва IgE нинг ошиши, аммо FLG даражаси иммунологик кўрсаткичлар билан сезиларли корреляцияни кўрсатмади ( $p > 0,05$ ). Бунинг сабаби шундаки, FLG терида локал равишда аниқланади ва унинг қондаги концентрацияси ҳар доим ҳам тери тўсиғининг бузилиш даражасини акс эттирмайди.

Статистик жиҳатдан аҳамиятли корреляциялар йўқлигига қарамай, FLGнинг пасайиши иммунитет реакциясига билвосита таъсир қилиши, яллиғланиш ва аллергия реакцияларни кучайтириши мумкин. Кейинги тадқиқотлар FLGнинг иммунитет жараёнларига таъсирини ва турли терапевтик стратегияларнинг самарадорлигини ўрганишга қаратилган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, иккала тадқиқот гуруҳларида ҳам назорат гуруҳига нисбатан айланма Т-лимфоцитларнинг мутлақ таркибининг нисбати сезиларли даражада ошганлиги кузатилган. Шу билан бирга, Т-хужайраларининг хелпер-индуктор субпопуляциясининг  $CD4^+$  лимфоцитлари ( $45,88 \pm 0,28$  ва  $41,61 \pm 1,34$  нисбатан  $33,91 \pm 0,38$ ) ўсиши ва  $CD8^+$  Т-эффektorлари сонининг ( $31,84 \pm 0,12$  ва  $29,39 \pm 1,22$  нисбатан  $21,77 \pm 0,42$ ) сонининг кўпайиши  $p < 0,05$  билан изоҳланади. Атаб ўтилган кўрсаткичлар Т-хужайраларнинг умумий популяциясидаги иккала компонентининг мутаносиб ўсиши аниқланди, бу ўзгаришлар иммунорегуляцион индексининг қийматига таъсир қилмади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Экзема билан хасталанган беморларда иммун тизимининг Т-хужайравий бўғинидаги кўрсаткичлари ( $M \pm m$ ) (даволашдан олдин)

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=59)	Таққослаш гуруҳи (n=46)	Назорат гуруҳи (n=15)
<b>CD4<sup>+</sup>, %</b>	$45,88 \pm 0,28^*$	$41,61 \pm 1,34^*$	$33,91 \pm 0,38$
<b>CD8<sup>+</sup>, %</b>	$31,84 \pm 0,12^*$	$29,39 \pm 1,22^*$	$21,77 \pm 0,42$
<b>CD25<sup>+</sup>, %</b>	$21,49 \pm 0,15^*$	$18,93 \pm 0,12^*$	$13,72 \pm 0,31$
<b>CD95<sup>+</sup>, %</b>	$14,33 \pm 0,15^*$	$14,40 \pm 0,14^*$	$17,93 \pm 0,17$

Изох: \* -  $p < 0,05$  – назорат гуруҳига нисбатан иккала гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти

Т-лимфоцитларнинг (CD25<sup>+</sup>) эрта фаоллашув маркерининг ифода даражаси иккала тадқиқот гуруҳидаги мутлақ қийматлари назорат гуруҳи билан солиштирганда сезиларли даражада (21,49±0,15 ва 18,93±0,12 гача 13,72±0,31) мос равишда (p<0,05) ошиши кузатилди. Т-хужайранинг ўзининг юзасида апоптоз индукцион рецепторлари бўлган CD95<sup>+</sup> мутлақ қийматларда иккала тадқиқот гуруҳида ҳам назорат қийматларига нисбатан нисбий сонининг (14,33±0,15 ва 14,40±0,14 нисбатан 17,93±0,17) мос даражада (p<0,05) камайиши аниқланди.

Адаптив иммунитетнинг гуморал бўғини кўрсаткичларини таҳлил қилиш назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан, барча таҳлил қилинган параметрларда ўзгаришларни кузатилди. Шундай қилиб, В-хужайраларининг нисбий сонининг сезиларли даражада ошиши, тадқиқот гуруҳларда зардоб иммуноглобулинлари IgA, IgG ва IgE синфлари параметрлари назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиши ва айланма иммун комплекслари даражасининг деярли 30 баравар (34,85±0,74 ва 33,30±0,76 нисбатан 0,11±0,03) мос равишда (p<0,001) ошиши кузатилди ва IgM даражаси назорат гуруҳига нисбатан (0,48±0,004 ва 0,49±0,04 нисбатан 0,63±0,05) ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Экзема билан хасталанган беморларда иммун тизимининг гуморал бўғинидаги кўрсаткичлари (M±m)**

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=59)	Таққослаш гуруҳи (n=46)	Назорат гуруҳи (n=15)
IgA, г/л	4,89±0,07*	4,93±0,08*	1,07±0,05
IgM, г/л	0,48±0,004	0,49±0,003	0,63±0,06
IgG, г/л	17,04±0,05*	16,99±0,07*	7,98±0,12
IgE, МЕ/мл	136,59±8,11*	258,17±40,88*	69,39±2,13
АИК	34,85±0,74*	33,30±0,76*	0,11±0,03*

Изох: \*- p < 0,05 – назорат гуруҳига нисбатан иккала гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти.

Адаптив иммун жавоб компонентининг фаоллашуви гуморал бўғини кўрсаткичларинг яъни В-лимфоцитлар пролиферациясининг кучайиши, айланадаги В-хужайраларининг ўсиши билан тасдиқланади, шунингдек, қон зардобидаги асосий иммуноглобулин синфлари IgA (4,89±0,07 ва 4,93±0,08 нисбатан 1,07±0,05), IgE (136,59±8,11 ва 258,17±40,88 нисбатан 69,39±2,13) ва IgG (17,04±0,05 ва 16,99±0,07 нисбатан 7,98±0,12), мос равишда (p<0,05) гипергаммаглобулинемияси кузатилди.

Экзема билан хасталанган беморларда цитокин ҳолатини ўрганилганда, мазкур патологияси бор беморларнинг қон зардобида, даводан олдин қийматларнинг назорат гуруҳи мезонларига нисбатан сезиларли даражада ортиши, IL-6 (16,78±0,17 ва 14,27±0,08 нисбатан 7,72±0,05) 2 баравар, IL-4 (8,19±0,08 ва 7,14±0,06 нисбатан 3,24±0,01) 2.26 баравар ва IFN-γ кўлами

сезиларли даражада ( $297,54 \pm 1,96$  ва  $276,52 \pm 1,48$  нисбатан  $129,56 \pm 0,27$ ) 2,1 баравар назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққослаганда мос равишда ( $p < 0,05$ ) ошиши кузатилди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Экзема билан хасталанган беморларнинг қон зардобадаги цитокин таркиби ( $M \pm m$ )**

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=59)	Таққослаш гуруҳи (n=46)	Назорат гуруҳи (n=15)
<b>IL-6</b>	$16,78 \pm 0,17^*$	$14,27 \pm 0,08^*$	$7,72 \pm 0,05$
<b>IFN-<math>\gamma</math></b>	$297,54 \pm 1,96^*$	$276,52 \pm 1,48^*$	$129,56 \pm 0,27$
<b>IL-4</b>	$8,19 \pm 0,08$	$7,14 \pm 0,06$	$3,24 \pm 0,01$

Изоҳ: \*-  $p < 0,05$  – назорат гуруҳига нисбатан иккила гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти

Экзема билан хасталанган беморларда иммун тизимининг функционал параметрларининг мураккаб хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, экзематоз жараёнининг патогенезида иммунопатологик механизмларнинг бевосита, асосий роли эканлигини кўрсатади. Тадқиқотимиз давомида адаптив иммун жавобнинг Т ва В-хужайрали бўғинлари ва цитокин тармоғининг бир-бирига боғлиқлиги аниқланди.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, ўзгаришларнинг комплекс мажмуаси иммун жараёнларни фаоллаштиришнинг Th1-йўли бўйлаб иммунопатологиянинг ривожланишига мос келади. Бунинг далили сифатида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар IFN- $\gamma$  ишлаб чиқаришнинг цитокин регуляциясида устунлиги томон силжиши, Т-хужайраларининг IL-2 ни қабул қилиш қобилятининг ошиши, Т- ва В- лимфоцитларининг пролиферацияси, уларнинг миқдорий ўсиши, Ig A, E ва G гипериммуноглобулинемияси фонида IgM ишлаб чиқарилишининг манфийлиги билан тасдиқланган. Ушбу хулоса турли хил терапевтик схемаларнинг табиати ва самарадорлигини ва иммун жараёнларининг миқдорий ва функционал хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда кейинги тадқиқотлар изчиллигини белгилайди.

Диссертациянинг «**Тери экземаси билан хасталанган беморларни даволашнинг клиник натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда экзема билан хасталанган беморларни даволаш натижалари келтирилган. Беморлар икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳ – стандарт усулда даволанган таққослаш гуруҳи эди; иккинчи гуруҳ – комплекс даво «Стронгер Нео Минофаген С» эритмаси ва ТИЛБН олган асосий гуруҳ.

Биринчи гуруҳга (стандарт терапия) “Дерматовенерология ва тиббий косметология бўйича ташхислаш ва даволаш стандартлари” бўйича антигистаминлар ва десенсибилизация қилувчи воситалар, гепатопротекторлар маҳаллий қўлланилувчи топик малҳамлар ва кремлар тайинланган 46 нафар бемор кирди.

Иккинчи гуруҳга (комплекс терапия) стандарт терапия фонида, иммун тизими ҳолатини меъёрига келтириш учун «Стронгер Нео Минофаген С»

эритмаси ва ТИЛБН тайинланган 59 бемор киритилган.

«Стронгер Нео Минофаген С» эритмаси 20,0 мл физиологик эритмада 250 мл эритилиб томчилатиб томир ичига юбориш тайинладик. Даволаш курси 10 инъекциядан иборат.

Томир ичига лазер билан нурлантириш лазер терапияси «Мустанг» курилмасида амалга оширилди, нурлантириш бошчаси КЛ-ВЛОК-М, томир узунлиги 0,63 мкм, ёруғлик қўлланмасининг охиридаги қуввати 5,0-7,0 мВт, процедура давомийлиги 30 минут. Даволаш курси 10 процедуралардан иборат.

Ўтказилган терапия самарадорлиги клиник белгиларнинг динамикадаги регресси, иммун ҳолатини барқарорлашганлиги ва ремиссия даврининг узайиши билан баҳоланди. Барча ҳолатларда клиник соғайишга эришилди, аммо аниқ клиник соғайиш, симптомларнинг регрессия вақти ва беморларнинг иммун ҳолатини барқарорлаштириш беморларда анча узоқроқ давом этди.

Терапия самарадорлигини биз EASI и HECSI ташхислаш индекслари ёрдамида ҳисобладик, сўнгра олинган натижаларни статистик таҳлил қилдик. Ишончли натижаларга эришиш учун индекслар тадқиқот бошланишидан олдин, 2 ҳафта ва 1 ойдан кейин ҳисобладик.

Стандарт терапиядан (СТ) кейин экзема билан хасталанган беморларда ташхислаш индексларнинг динамикасининг ўзгаришини ўрганиш шуни кўрсатдики EASI  $22,99 \pm 2,04$  дан  $10,97 \pm 2,54$  гача ўзгариб, 52.3% гача, корреляция даражаси 0.970 тенг. HECSI индексининг динамикаси  $56,3 \pm 4,88\%$  дан  $26,97 \pm 3,37-52,1\%$  гача, корреляция даражаси 0,198 га тенг.

Комплекс терапиядан кейин (КТ) экзема билан хасталанган беморларда экзематоз жараёни ҳолатига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, EASI индексининг ўртача қиймати 25,7 ни ташкил қилди ва даволанишдан сўнг ўрганилаётган индекснинг ўртача қиймати 4,65 га камайди. Ўртача EASI индекси  $25,79 \pm 1,69$  дан  $4,65 \pm 0,34$  гача, динамикада 81,9% гача бўлган корреляция даражаси 0,762 тенг. HECSI индексининг динамикаси  $54,9 \pm 4,33$  дан  $14,12 \pm 0,67-74,3\%$  гача, корреляция даражаси 0,890 кузатилган (7-жадвал).

7-жадвал

**EASI ва HECSI индексларининг қиёсий кўрсаткичлари  
(даволашдан олдин ва кейин).**

<b>Асосий гуруҳ</b>				
	<b>Даводан олдин</b>	<b>14 кундан кейин</b>	<b>1 ойдан сўнг</b>	<b>r</b>
<b>EASI n=59</b>	$25,79 \pm 1,69$	$8,65 \pm 0,19^*$	$4,65 \pm 0,34^{**}$	$0,762^{##}$
<b>HECSI n=48</b>	$54,9 \pm 4,33$	$25,31 \pm 1,89^*$	$14,12 \pm 0,67^{**}$	$0,890$
<b>Таққослаш гуруҳи</b>				
<b>EASI n=46</b>	$22,99 \pm 2,04$	$14,57 \pm 1,41^*$	$10,97 \pm 2,54^{**}$	$0,970^{##}$
<b>HECSI n= 40</b>	$56,3 \pm 4,88$	$32,66 \pm 2,74^*$	$26,97 \pm 3,37^{**}$	$0,198$

Изоҳ: - терапиядан олдинги маълумотларга нисбатан фарқлар (\* $p < 0.05$ ; \*\* $p < 0.01$ ; \*\*\* $p < 0.001$ ); Пирсон корреляцияси қиймати икки томонлама 0,01<sup>##</sup>

